

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 11 750,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2021 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 107,3 фоизга тенг бўлди.

2021 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 118,1 фоизни ташкил қилди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 11 573,4 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,6 фоизга юқори бўлди.

### Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд. сўм		ўсиш суръати, % да
	2020 йил	2021 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>9 265,5</b>	<b>11 750,4</b>	<b>107,3</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9 112,5	11 519,4	107,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	153,0	231,0	109,1
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>9 112,5</b>	<b>11 519,4</b>	<b>107,3</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	796,9	926,0	102,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	7 115,1	9 233,7	108,6
саноат	6 751,6	8 835,5	109,3

	млрд. сўм		ўсиш суръати, % да
	2020 йил	2021 йил	
қурилиш	363,5	398,2	94,2
Хизматлар	1 200,5	1 359,7	102,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	298,1	337,1	100,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	176,9	216,7	110,5
бошқа хизматлар	725,5	805,9	101,9

**Январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг  
тармоқлар таркиби, (% да)**

2020 йил




## 2021 йил



2021 йилнинг январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига ижобий таъсир саноат (109,3%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (110,5%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (102,8%), бошқа соҳа хизматлари (101,9%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 19,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-мартга нисбатан 2,2 фоизга камайди.

**2021 йил январь-март ойларида ЯХМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси (% да)**



**Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва мутлақ ўсиш суръатлари**

